



## ОРТГА ҚАЙТМАС ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР

### ёхуд инсон қадри аввалгиларга ўхшамас...

*Ўтган етти йилдан буён катта эврилишлар даврида яшаймиз. Мана етти йилдирки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мисли қўрилмаган тарихий ютуқларни қўлга киритдик. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолмади ёки биров четдан келиб муҳаё қилиб бермади. Барчасига аввал бошданоқ тўғри, узоқни кўзлаб танланган Ҳаракатлар стратегияси асосида эришдик.*

#### Янги Ўзбекистон шижоати

Ўзбекистонда ҳам Президентимиз томонидан илгари сурилган, халқимиз билан бамаслаҳат қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси “Ўзбекистонни янгилаш ва янада ривожлантириш йўли”ни белгилаб берган амалий ҳужжат сифатида миллат таракқиётининг истиқболига шахдам қадам қўйишимизга замин яратди. Ўтган вақт мобайнида юртимизда халқни рози қилишга, келажакда эмас, балки бугун яхши яшаши, муносиб ҳаёт кечириши ва ислоҳотлар самарасидан баҳраманд бў-

лишини таъминлашга қаратилган халқпарвар тизимни йўлга қўйиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётган ҳозирги шароитда “...биз ўз фаолиятимизни “Буюк келажакимиз бугундан бошланади” деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур”.

Бу йўлда яқин тарих бўлиб қолган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “...жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг «йўл харитаси»га айланди”.

Буни нуфузли халқаро молия институтлари, қатор ислоҳотларнинг бошида турган Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. Жумладан, Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллернинг: “Бу жуда кучли, муайян равишда тарихий ҳужжат. У Ўзбекистонда янги давр бошланганини ифодалайди ва унда мамлакат таракқиётида янги динамикани белгиловчи янгича дунёқараш ва янгиланган ёндашувлар баён этилган”, деган ҳаққоний баҳоси хотирамизда жонланади.

Бу йўл осон бўлгани ҳам йўқ. Неча-неча бедор тунлар эвазига, халқ дардини эшитиш, маҳалларга тушиш, оилаларга кириш,

асрий муаммоларни ҳал этишдек ниҳоятда залворли, ўз навбатида, мураккаб ижтимоий-иқтисодий, қалтис сиёсий шароитда амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотлар дадил амалга оширилмоқда. Илгари иложсиздек туюлган масалаларга ечим топилмоқда. Энг муҳими, халқнинг турмуш шароити яхшиланмоқда. Оддий одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” тушунчасини дунё сиёсати луғатига киритгани бекиёс аҳамиятга эга.

Миллат етакчиси илгари сурган Янги Ўзбекистон ибораси бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган эзгу ғоядир.

(Давоми 2-саҳифада)

#### Яхшидир аччиқ ҳақиқат...

### Ўзбекистон имиджи:

## “ОНАНГНИ ОТАНГГА

## БЕПАРДОЗ КЎРСАТ...”

*Тилимизга яна бир сўз – “имидж” сўзи ими-жмида кириб келди. Унинг тилимизда муқобили, таржимаси анчагина: ёқимлилик, жозоба, жозибалилик, жозибадорлик, дилбарлик, кўркемлилик, истараси иссиқлик, қиёфа, келбат, сиймо, турқ, рўй, афт каби. Хофизларни, раққосаларни пардозловчини ҳам “имиджмейкер” дейишарди. Ҳар ҳолда бу сўз тилимизга ўрнашди. Энди ҳатто мамлакат жозибаси – “Ўзбекистон имиджи” ҳақидаги иборалар ҳужжатларга, дастурларга кира бошлади.*


Ташки ишлар вазирлигимиз “Халқаро аренада Ўзбекистон Республикасининг ижобий имиджини мустаҳкамлаш Концепцияси”ни ишлаб чиқибди. Оритдан Иқтисодиёт вазирлиги мамлакатнинг сармоявий жозибадорлигини оширишга ҳалақит берадиган муаммолар ўрганилаётганини билдирибди.

Британияда чиқадиган дунёнинг энг нуфузли журналларидан бири бўлмиш Economist муҳбири, Марказий Осиё бўйича таҳлилчи Жоанна Лиллисга кўра: “Президент Мирзиёев жуда кўп нарсаларни ўзгартирди. У оммавий ахборот воситаларига кўпроқ эркинлик берди. Биз жамиятда ҳали ҳам айрим чекловлар сақланиб қолаётганини кўрсак-да, Президент Мирзиёев Ўзбекистонда мавжуд бўлган муаммоларни очик муҳокама қилишга йўл очиб берди... Шав-

кат Мирзиёев президент бўлганидан кейин ташки сиёсат соҳасида ҳам ҳамма нарсани ўзгартирди. У кўшнилари билан мулоқот йўллари излаш ва муносабатларни яхшилашга ҳам фаол киришди... Мен Мирзиёев Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги имиджини яхшилаб сармояларни жалб қилишни хоҳлайди, деган фикрдаман. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистоннинг халқаро имиджини яхшилаш чора-тадбирларини кўраётди. Бунинг оритдан қайсидир соҳаларда яхшиланиш юз бераётди”.

“Имидж” деганда ҳаёлимга кўп нарсалар келади. Нафақат мамлакат, ҳатто бир инсон ўлароқ ҳам, одамнинг ҳам ҳаммага яхши кўрингиси келади, албатта. Масалан, уй курсак, одамларнинг кўзига кўринадиган кўча тарафини ялтиратиб сувоқ қиламиз, мрамар тошлар ёптираемиз, чиройли рангларга бўйямиз, лекин ичкари томони лойсувоқлигича қолаверади.

(Давоми 6-саҳифада)



## ОРТГА ҚАЙТМАС ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР

## ёхуд инсон қадри аввалгиларга ўхшамас...

(Боши 1-саҳифада)

Яна бир муҳим гап шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб қилинмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди”, деб алоҳида таъкидлаганлари фуқароларимизда ўз ишонган тоғи, уни ҳимоя қиладиган давлати борлигига қатъий ишончларини янада орттирди. Ўзбекистон фуқароси деган мақом юксалтирилди, бу мақом эгаси ҳимоя қилинадиган, унга алоҳида ғамхўрлик ва меҳр кўрсатиладиган обрўга эга қилинди.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар “ёпиқ мавзу” бўлиб келди. 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномада давлатимиз раҳбари бу ҳақда очиқ-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қискартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни енгиб ўтиш масаласини ечишга интилиб келади. Бу ғоя ҳам халқни рози қилиш фалсафасининг асосини ташкил қиладди. Ижтимоий-иқтисодий секторлар кесимида масъул идоралар вакиллари маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юриб, вазиятни жойида ўрганиб, кам таъминланган, ишсиз, камбағал оилалар, аёллар, ёшлар рўйхатини тузди ва улар учун мос равишда алоҳида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” яратилди. Мана шу дафтарларга киритилган фуқароларнинг, аввало, тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш, кейин уларга мос шарт-шароитлар яратиш, қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилди, уларга дастлабки “старт капитали” берилди.

Шу замонда ҳам уйсиз-жойсиз, кулбаларда, капаларда, квартирама-квартира, ижарада уй эгасининг қош-қовоғига қараб, яшаб юрган оилалар кўп эди. Давлатимиз раҳбари томонидан уларнинг барчасига уй бериш ғояси кўндаланг қўйилди. Агар уй олишга кучи етмаса, узоқ муддатли кредит асосида бериш, жуда бўлмаса эл-юрт, қариндош-уруғ ёрдами билан бошпана қилиш ғояси ўртага ташланди. Уй-жойли бўлган ана шу одамларнинг руҳониятини кўз олдингизга келтиринг. Ахир уларнинг ҳам орзу-ниятлари, бола-чақаси бор. Фарзандларини одам қилай, уларга шароит яратиб берай деб яшайди, лекин қўли қисқалиги туфайли уй-жой қилолмаган.

Уй-жойи бўлмаган одамнинг Ватани бўлмайди, деган гап ҳам бежизга эмас. Ўзбекистоннинг адолатли ижтимоий сиёсатида одамларни уйли-жойли қилиш биринчи навбатдаги вазифага айланиб улгурди.

2017-2022 йилларда қарийб 300 мингта ёки аввалги 1992-2016 йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой курилди. 2023 йили 90 минг оилани уй-жой билан таъминлаш режа қилинган.

Келгуси 7 йилда эса 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш режалаштирилган ва бунга жами 15 миллиард доллар йўналтирилади. Мана, энди бу бахтиёр инсонлар қалбига кулоқ тунинг, улар давлатимиз раҳбаридан қанчалар миннатдор эканига гувоҳ бўласиз.

Мана қисқа вақт давомида, барча фуқароларнинг ҳаёти, имкониятлари, оилавий аҳволи чуқур ўрганилиб, ҳокимлар, сектор раҳбарлари, турли давлат идоралари масъуллари, жойлардаги саховатпеша инсонларга, ҳомийларга бириктирилиб, ҳеч кимнинг оч, яланғоч ва иложсиз ҳолга тушишига йўл қўйилмади. Одамлар янги Ўзбекистон давлатининг нафасини, меҳрини, ғамхўрлигини ўзларида ҳис этмоқдалар.

2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш умуммиллий тус олди, “маҳаллабай” тизими яратилди. 2022 йил 1 январдан ҳар бир шаҳарча, кишлоқ, овулда, шунингдек, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қискартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими таъсис этилди. 2023 йил 18 май куни Тошкентда ўтказилган “Камбағалликни қискартириш бўйича илғор тажрибаларни татбиқ этиш” II халқаро форумида қатнашган иқтисод соҳасида Нобель мукофоти совриндори Абхижит Банержи мамлакатимиз ўз намунаси билан бошқа мамлакатларга камбағалликка қарши қандай курашиш кераклигини кўрсатаётганини эътироф этди.

**Ўзбекистон аҳолиси 2040 йилга бориб 40 млн.нафарга етади. Ўзбекистонимиз катта мамлакатга айланмоқда. Аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлар. Мамлакат аҳолиси учун муносиб яшаш ва ишлашга шароит яратиш учун:**

1. Барқарор иқтисодиёт. Сифатли иқтисодий ўсиш керак.
2. Хавфсиз давлат, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш зарур.
3. Эзгу (коррупциясиз) самарали бошқарув шарт.
4. Ижтимоий кафолатлар ўта муҳим. Юқоридагиларни таъминлаш учун мустахкам ҳуқуқий асос керак.

Шу боис ҳам Ўзбекистон ижтимоий давлат деб аталди. Инсонга эътибор ва унинг ҳақида қайғуриш – давлат ва жамиятнинг асосий мажбурияти эканлиги Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида муҳрлаб қўйилди. Булар камбағалликни қискартириш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва х..

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида таъкидлаганларидек: “Конституциямизда муҳрлаб қўйилганидек, жонажон Ўзбекистонимизни миллати, тили ва динидан катъи назар,

ҳар бир фуқаромиз тинч ва эркин, бахтли ва фаровон яшайдиган ижтимоий давлатга айлантираемиз. Жумладан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-жойлар қуриш, аҳолини ичимлик суви, энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш бўйича белгилаб олган вазифаларни албатта бажарамиз”.

Янги таҳрирдаги Бош қонунимизда барпо этишимиз лозим бўлган давлатнинг “Ижтимоий” ва “Дунёвий” мазмун касб этиши ҳам жамият ижтимоий мўлжали билан узвий ҳамоҳанглигидан дарак беради. “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғояни янги таҳрирдаги Конституциямизга сингдирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг ноябрь ойида Жиззах вилоятининг Арнасой туманида вилоят сайловчилари вакиллари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида яна мурожаат қилишни лозим топди: “Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, ҳаттоки шоиру олимни ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Биз яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, кадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доим тайёр туришимиз шарт”.

Ҳозирги қалтис дунёда эса фақат маърифатли жамиятгина ўзининг барқарор тараққиётини таъминлайди. Суверенитетини асрай билади.

Аслида, суверенитет давлат микёсида олий ҳокимиятга эгалликни, ташки ва ички сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади. Айнан суверенитет муайян давлат мустақиллигининг бирламчи шarti, белгисидир.

Кўплаб ватандошларимиз каби ўша тоталитар, маъмурий-буйқозликка асосланган даврнинг чуқур дард ва изтиробларини илмий тадқиқ этган инсон сифатида хулоса қилдимки, суверенитет давлатнинг бошқа давлатларга тобе, қарам бўлмай яшашини, ўзга кучлар томонидан бошқарилмай, бировларнинг иродасига бўйсунмай, мустақил ҳаёт кечиришини назарда тутди. Муҳими, давлат суверенитетининг ўрнатилиши мамлакатлар ўртасида тенглик қарор топишини шарт қилиб қўяди ҳамда мутелик, ўзгалар ҳисобига яшаш, турли камситишларга йўл қўймайди. Давлат суверенитети мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, унинг камситувчи табиатини, у тақозо этадиган зўравонликларни инкор этади.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” концептуал ғоя эндиликда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни

кафолатлайдиган ижтимоий давлатга айланди.

Шу йилнинг 30 август куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Кўксаройда давлат мукофотларини топшириш маросимида: “Халқ манфаатини таъминлаш, инсон кадрини улуғлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш мақсадида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг лойиҳасини муҳокамага қўйганимизда 1 миллиондан кўп таклифлар келиб тушди. Бу нимадан далолат? Халқимиз бефарқ эмас. Йўналишларимизни, камчиликларимизни кўрсатиб берапти. Бу биз учун “йўл харитаси”. Давлатга энг катта ҳакам – халқ.

Бу муҳим ҳужжатда Ватанимиз мустақиллигини ва тинчлигини асраш, кучли иқтисодиётни шакллантириш, халқимиз ҳаётини обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш вазифалари белгиланган. Содда қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, Янги Ўзбекистонда халқимиз яйраб ишлайдиган, ҳаётдан рози бўлиб, яйраб яшайдиган давлат қуришдан иборат”, деганларида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг магистрал йўналиши “аввал инсон – кейин давлат” эзгу ғояси эканлигини англайсиз.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишларимизга аралаштириш, турли ниқоблар остида бизга қарши тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз. Турли ташки ғоявий тажовузкорларга, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таҳдидларга Ўзбекистон муносиб жавоб берадиган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатдир.

Демак, жадидчи аллома Абдулла Авлонийнинг “Маърифат – шижоатдур. Маърифатли киши шижоатли бўлур”, деганида кўп ҳикмат бор.

Дарҳақиқат, маърифатли жамиятгина ҳар қандай тараққиётга эриша олади. Маърифатли халқ тарихий ривожланиш йўналишларини беҳато белгилайди. Дунёда бўлаётган ноаниқликлар, юз бераётган ғоят оғир ва изтиробли вазиятлардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига қилган сафари чоғида: “Дунёда манфаатлар тўқнашувви авж олаётган, катта давлатларнинг дунёга эгаллик қилиш истаги кучайиб бораётган бир шароитда уларнинг биронтасига ҳам ён бермай, ўзининг мустақил концепциясини аниқ, лўнда қилиб очиқ айтди: “Мен учун ҳамма нарсдан ортик Ўзбекистон манфаати. Миллатим, халқим, буюк Ўзбекистоним манфаати учун жонимни беришга тайёрман”, деди. Бу Президентнинг давлат раҳбари сифатида ҳам, оддий фуқаро сифатида ҳам қалб даъвати эди.

**Шариф ҚОБИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси профессори,  
полковник.

# “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ

## табiiй ресурсларни тежашнинг оқилона ечими

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда мамлакатимизда амалга оширилаётганган улкан ислохотлар сарҳисоб қилинди, келгусидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.



Давлатимиз раҳбари томонидан устувор йўналишлар сифатида таълим, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этиш юзасидан катта лойиҳалар бошлангани таъкидланди.

Шунингдек, транспорт-логистика тизими билан бирга, бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган илм-фан, инновация, ИТ ва ақлий меҳнатга асосланган бошқа соҳаларни жадал ривожлантиришга устуворлик қаратилиши эътироф этилди.

Устувор йўналишлардан бири сифатида экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам амалга оширили-

ши лозим бўлган устувор вазифалар қайд этиб ўтилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала – экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

Бизнинг вазифамиз – ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табiiй ресур-

слар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бунинг учун албатта, “яшил” иқтисодиётга ўтишни янада жадаллаштириш, сувни, энергия ва бошқа табiiй ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Эътироф этиш жоиз, сўнгги йилларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакат миқёсида 2018 йилгача сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар 28 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 1 миллион гектарга етди.

Жумладан, 2022 йил якуни билан республика бўйича жами 398,4 минг гектарда томчилатиб, 31,0 минг гектарда ёмғирлатиб, 16,3 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинган ҳамда 451,9 минг гектар майдонлар лазер усқунаси ёрдамида текисланган. Шу билан бирга, 73,0 минг гектарда эгилувчан қувурлар, 36,0 минг гектарда эгатга плёнка тўшаб суғориш ишлари

амалга оширилган.

Ушбу технологиялар жорий қилинган майдонларда сувни 40-50 фоизга, минерал ўғитларни 25-30 фоизга, ёқилғи-мойлаш материалларини

30-35 фоизга, иш ҳақини 25 фоизга камайтириш, шунингдек, ҳосилдорликни, жумладан пахтачиликда 30 фоизгача ошириш имконини берган.

Шу ўринда, юртбошимиз таъкидлаганидек, “Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!” деган ғоянини фаолият дастурига айлантирган ҳолда Ўзбекистон Экологик партиясининг парламентдаги фракцияси маърузада илгари сурилган ташаббусларни ҳаётга тадбиқ этишга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тақлифларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимизнинг янада тараққий этишига, халқимиз фаровонлигини, юртимиз экологик хавфсизлигини таъминлашга, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Спикери ўринбосари,**  
**Ўзбекистон Экологик партияси**  
**фракцияси раҳбари**

## Байрам тухфаси: Ўзбекистон – Қирғизистон чегарасидан ID-карта билан ўтиш йўлга қўйилди

2023 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтишлари тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақида Баённома (Бишкек шаҳри, 2023 йил 27 январь) кучга кирди.



Икки давлат фуқаролари учун Давлат чегарасини кесиб ўтишнинг соддалаштирилган ягона тартиби жорий этилди. Жумладан, 1 сентябрдан Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари 60 кунгача идентификация ID-картаси билан икки давлат ҳудудларига киришлари, ҳаракат-

ланишлари ва унда бўлиб туришлари мумкин. Фарғона вилояти божхона бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси чегарасида жойлашган “Ўзбекистон” (Қувасой шаҳрида), “Фарғона” (Фарғона тумана-

нида), “Риштон” ва “Сўх” чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган икки давлат фуқароларини ID-карта орқали расмийлаштирилиши йўлга қўйилди. Бу орқали икки давлат фуқаролари учун Давлат чегарасини кесиб ўтишнинг ягона соддалаштирилган тартиби амалиётга жорий этилди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**  
**ЎЗА**



## Парламент комиссияси:

## ЭЗГУ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ



**Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсатнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ҳар куни ҳар бир соҳада рўй бераётган улуғвор ўзгаришлар ана шу эзгу йўлдаги саяб-ҳаракатларнинг натижасидир.**

Жумладан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий кадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат – Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий қафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қатор қарорлари қабул қилинди.

Аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари рағбатлантириш мақсадида “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони таъсис этилди. Фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланадиган нодавлат-нотижорат ташкилотлари сони 10980 тага етди.

### Ташаббус, ечим, мулоқот

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳам 2017 – 2023 йиллар давомида ўз фаолиятини Президент фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари асосида олиб борди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Фармон билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”; “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 4 майдаги Фармон; “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 4 мартдаги Фармон; “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги Фармон; “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

2021 йил 3 мартдаги Қарор ва бошқалар.

2017–2023 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 2074 лойиҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 513,8 млрд. сўм маблағ ажратилди. Фақатгина 2023 йилнинг ўзида 226,4 млрд. сўм мазкур жабҳага йўналтирилди.

### Давлат субсидияси

2020–2023 йиллар давомида 276 та ННТ устав фаолияти ва йиллик иш режаси ижросига 381,3 млрд. сўм, шунингдек жамоат фонди томонидан ҳудудий жамоат фондларига қўшимча давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш учун 68,2 млрд. сўм йўналтирилди. Хусусан, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” мазмун-моҳиятини аҳолининг турли қамламлари ўртасида тарғиб қилиш, хориждаги “ақл марказ”ларига етказиш, ёшлар салоҳиятини юксалтириш, жамиятда жамоатчилик назоратини кучайтириш; иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ҳамда бағрикенгликни мустаҳкамлаш; ННТ фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни ислоҳотларга дахлдорлиги ва ижросига кенг жалб қилиш, ННТ вакиллари касбий малакасини ошириш; ногиронлиги бўлган шахсларни уюштириш, уларга маънавий-маърифий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш; фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кенг ёритиш, жамиятда маърифий ишларнинг даражасини юксалтириш, ўқув қўлланма ва махсус адабиётлар билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида урғу берилди.

### Давлат гранти

2020–2023 йилларда давлат грантлари доирасида 882 та лойиҳалар 50,1 млрд. сўмга молиялаштирилди. Хусусан, аҳолини бандлигини таъминлашга қўмаклашиш йўналишларида - 110 та лойиҳа 6,2 млрд. сўмга; ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, ижтимоий онг ва дунёкарашини ўзгартириш йўналишларида – 124 та лойиҳа 7,1 млрд. сўмга; ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш йўналишларида – 163 та лойиҳа 9,2 млрд. сўмга; ободончиликни таъминлаш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш йўналишларида – 116 та лойиҳа 6,6 млрд. сўмга; ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш йўналишларида – 105 та лойиҳа 6,0 млрд. сўмга; инсон

ҳуқуқлари, мулоқот маданиятини шакллантириш йўналишларида – 130 та лойиҳа 7,4 млрд. сўмга; маданий мерослар, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш йўналишларида – 134 та лойиҳа 7,6 млрд. сўмга қўллаб қувватланди.

### Давлат ижтимоий буюртмаси

2020–2023 йиллар давомида 24 та давлат органининг 94 та ижтимоий буюртмаларига очик танловлар эълон қилинди.

Давлат ижтимоий буюртмаси танловларига таълим, тиббиёт, қурилиш ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, туризм ва спорт, миллатлараро муносабатлар, коррупцияга қарши курашиш, маданият, ОАВ ва матбуот ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 216 та лойиҳалар келиб тушди. Танловлар якунига кўра 51,5 млрд. сўмга 65 та лойиҳалар молиялаштирилди.

Натижада 360 нафардан ортиқ бошланғич синф ёшидаги ногирон болаларга инклюзив таълим бериш тизими, 25 та олий ўқув юртларидаги ногирон талаба ёшларни тўлақонли таълим олиши учун “Тўсиқсиз муҳит” шакллантирилди. 15 та касб бўйича 15 500 нафар ёшлар “Дуал таълим дастури” ва халқаро “WorldSkills” стандарти асосида янги форматда касбга ўргатилди. 26 та маҳаллада “Саломатлик мактаби” ва Варкаут майдончалари ташкил этилди. Шунингдек, тиббиёт муассасалари 20 та тиббиёт асбоблари ва даволаш ускуналари билан таъминланди. 23 112 дан ортиқ аҳоли марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланди. Олий таълим муассасаларининг талабаларининг 10 та стартап лойиҳа ташаббуслари қўллаб-қувватланди ҳамда 100 та янги иш ўринлари яратилди. 50 дан ортиқ миллий маданий марказларнинг қошида иқтидорли ёшлардан иборат 50 та “Ёшлар қаноти” ансамбллари ташкил этилди.

Парламент комиссияси фаолияти нафақат мамлакатимизнинг фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, балки уларни юртимиздаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларнинг ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда улар ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича Жамоат комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишга қўмак берилди. 2020–2023 йилларда ҳудудларда давлат субсидияси, ижтимоий буюртмалар ва грантлар тўғрисида 200 дан зиёд тушунтиришлар ва “маҳорат дарслари” ташкил этилди. Уларда ҳудудий Жамоат комиссияларини барча аъзолари, 2000 дан ортиқ ННТлар вакиллари иштирок этиб, ўз малакаларини оширдилар.

### Қонун ижодкорлигида жамоатчилик иштироки

Қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказишни такомиллаштириш, уларни қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлашга кенг жалб этишга эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилдан бошлаб ННТларни мамлакатимизнинг тараққиётини белгилаб берувчи стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва уларда назарда тутилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, экспертлар ва жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этиш, уларни амалга оширилиши устидан таъсирчан жамоат назоратини ўрнатиш, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга кенг жалб этиш каби масалалар давлатнинг устувор вазифалари сирасига киритилди.

2017–2023 йилларда Парламент комиссияси қўллаб-қувватлаган “ақл марказлари” томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси лойиҳалари “strategy.uz” ва “davlatdasturi.uz” махсус платформалари орқали кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди ва жами 35 мингдан зиёд таклифлар олинди.

Демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ жараёнларни ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида 100 дан ортиқ асарлар, журналлар, инфографик тўпламлар ва бошқа ахборот-таҳлилий нашрлар 400 мингдан зиёд нусхада ўзбек, рус, инглиз, турк, хитой, итальян ва бошқа тилларида чоп этилди.

Ўтган даврдаги 8 та йиллик Давлат дастурларида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш борасида 40 дан зиёд таҳлилий лойиҳалар амалга оширилди. Уларнинг бажарилиши юзасидан масъул вазирлик ва идоралар иштирокида 100 дан ортиқ жамоатчилик эшитувлари ўтказилди, 300 га яқин қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича муҳокамалар уюштирилди, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

2023 йилнинг ярим йиллигида Давлат дастури амалга оширилишининг бориши юзасидан 300 дан ортиқ тизимли мониторинг тадбирлари ўтказилди. Буларнинг барчаси, депутатларимизнинг халқ билан мулоқот механизмларини такомиллаштириш ва муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг мамлакатимиздаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар – конституциявий ислоҳотларда ҳамда Президент сайловининг мамлакатимиз қонунчилиги ва юксак демо-

# ҲАЁТБАҲШ САМАРАСИ

кратик талаблар асосида ўтказишда ҳам фаол қатнашишига кўмаклашилди.

Жумладан, конституциявий ислохотлар борасида “ақл марказлари” томонидан:

– мустақил Ўзбекистон тарихида илк маротаба мамлакатимизнинг 400 дан ортиқ ННТларини жалб этган ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 6 йўналиши бўйича (ногиронлиги бор шахслар, ёшлар ва болалар, аёллар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, фуқаролик жамияти шаклланиши, ижтимоий давлат қуриш, адолат тамойилини ҳаётга татбиқ этиш) жамоатчилик экспертизаси амалга оширилди;

– фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича 500 дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар шакллантириш бўйича Конституциявий комиссияга киритилди;

– БМТ, ЕХХТ, ШХТ, ЕИ, ИХТ, ТДТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида бу борада қабул қилинган 500 дан зиёд глобал ва минтақавий конвенциялар, декларациялар, резолюциялар ҳамда конституциявий ривожланиш борасидаги халқаро тажриба ўрганиб чиқилди, 193 та мамлакат конституцияси, конституциявий ислохотлари тизими равишда таҳлил этилди.

## Меҳр манзиллари

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ёшлар, хотин-қизлар, ногирон шахсларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, бандлигини таъминлаш, даромад манбаини кўпайтириш вазибаларига алоҳида урғу берилди. Жойлардаги 40 дан ортиқ туманларда аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш дафтарларига киритилган 5100 нафар кам таъминланган ва вақтинча ишсиз бўлган, боқувчисини йўқотганлар, ногирон хотин-қизлар, собиқ жангчи фахрийларнинг оила аъзоларининг бизнес кўникмалари оширилди. Улар бўёқчи, сантехник, пойафзалларни, замонавий иситиш, электр ва электрон тизимларни, уй рўзгор буюмларини таъмирлаш, хунармандчилик, пазандачилик, нонвойчилик, қандолатчилик, дурадгорлик, этикдўзлик, тикувчилик, бароқ гилам тўқиш, қуруқ, кўрпа тикиш, аёллар саргарошлиги, косметология, томорқадан комплекс фойдаланиш ва уй хўжалигини юритиш каби соҳаларда бизнесни ташкил этиш, бизнес режа тузиш ва юритиш масалалари бўйича ўқитилди. Шу орқали уларнинг 3610 дан зиёдининг бандлиги ва муносиб иш ҳақи билан таъминланишига эришилди.

Хусусий секторни ривожлантириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби масалалар ҳам комиссиянинг муҳим вазибалари сирасига киритилган.

Биргина 2023 йил биринчи ярим йиллигида:

– тадбиркорлик субъектларининг

манфаатларини қўллаб-қувватлаш

241 мингдан ортиқ ариза, даъволар ҳамда апелляция ва кассация шикоятлари киритилди. Савдо саноат палатаси ҳузурида ташкил қилинган 15 та ҳакамлик судлари орқали ҳисобот даври давомида жами 479 та ишлар кўриб чиқилди.

– 45 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил қилиниши,

14 464 нафар ёшлар ва 10 392 нафар хотин-қизлар тадбиркорлик асосларига ўқитилишига эришилди;

– Ўзбекистонда ва хорижда ўтказилган 31 та халқаро даражадаги тадбирларда 800 дан ортиқ маҳаллий тадбиркорларнинг иштироки таъминланди, 2023-2025 йиллар давомида ўтказилиши режалаштирилган

132 та кўргазмалар режа-жадвали ишлаб чиқилди;

– хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида мамлакатимизда “Дуал таълим тизими”ни йўлга қўйиш борасида таклиф ишлаб чиқилди ва у Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

## Аёлга эътибор — жамиятга эътибор

Жамиятда хотин-қизларга тазйик ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш масалалари Парламент комиссиясининг диққат эътиборида бўлиб қолмоқда.

Жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушган хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида:

– аёлларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ва гендер тенглиги бўйича 13 та семинар тренинглар ўтказилди, уларда 5300 дан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди, 100 дан ортиқ оилаларни яраштириш ва ажримларни олдини олиш бўйича учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди;

– 1020 дан зиёд тазйикга учраган аёллар ва оилаларига ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди;

– 425 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилди.

Зўравонликдан жабрланган, оғир ижтимоий аҳволда қолган, ўз жонига қасд қилиш ҳолати юқори бўлган ҳудудларда 1 000 дан ортиқ шахсларга психологик ёрдамлар кўрсатилди. Оилаларда салбий ҳолатлар хавфини баҳолаш, оилаларда жиноятларни олдини олиш бўйича 10 дан ортиқ тахлилий маълумотномалар ҳамда 1 000 нусхада тегишли қўлланма яратилди.

Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уни қулай ва арзон уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш. Бу борада ННТларнинг:

– фуқароларнинг қурилиш борасидаги ҳуқуқий маданияти юксалтириш, 20

000 нафар фуқарога шахарсозлик ва қурилиш соҳасида давлат сиёсати тушунтириш, қарорлар, бош режаларни қабул қилишда аҳолининг фикри ва таклифларини инобатга олиш механизми жорий этилди;

– 16 500 дан ортиқ аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш, 26 740 метр узунликда ичимлик суви тармоқларини тортишга қаратилган лойиҳалари амалга оширилди.

Парламент комиссияси фаолиятида маънавий тараққиётни таъминлаш, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш.

Бунда халқимизнинг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, мактабларни чинакам маънавият ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш, мафқуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида курашиш, “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш йўлида

Парламент комиссиясининг устувор вазибаларидан бири – миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, инсонларнинг яшаш учун қулай атроф муҳитига эга бўлиш ва экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдан иборат.

Бунда аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, Орол денгизининг қуриган тубида яшил майдонларни барпо этиш, Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, чўл ҳудудларида ўсимликларни кўпайтириш, ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш ва ўрмонлар майдонини кенгайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ННТлар томонидан биргина 2021-2023 йилларда:

– экология соҳасида 138 та услубий қўлланма ва мақола тайёрланди;

– 699 та турли форматдаги назорат-таҳлилий, илмий-назарий, маънавий-маърифий, тарбиявий ва амалий тадбирлар ўтказилди. Хусусан, экотизимларни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида қўриқхоналар ва миллий боғларни тизимли асраш, ўрмон майдонларини кенгайтириш ва ўрмон етиштириш борасида Ўзбекистон давлат сиёсати ва “Яшил макон, соғлом муҳит, соғлом инсон” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, эко-

логик таълим-тарбия ва бошқа долзарб масалаларга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари ва экологик акциялар амалга оширилди. Уларда 61834 нафар фуқаролар, экология соҳасидаги фаоллар иштирок этди;

– маҳаллалар ободлигини таъминлаш ва фуқаролар экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 1 126 та давра суҳбатлари ва тадбирлар ташкил этилди, 100 дан зиёд маҳаллани ободонлаштиришга кўмаклашилди;

– “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг баҳор ва куз мавсумларида 14 000 туп кўчат ўтказишга бағишланган 70 дан зиёд акциялар ўтказилди, аҳолининг экологик таълим ва тарбия тизimini ривожлантириш йўналишида 40 та тадбир ўтказилди.

Президентимизнинг Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантириш, 2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, БМТ Бош Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш, республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш ҳамда Айдар-Арнасой қўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон ва қарорларининг ижроси устидан ННТлар томонидан мониторинг ўтказилди. Уларнинг яқунлари бўйича тегишли ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрланди ва Олий Мажлис Сенатининг махсус кўмиталари, Қорақалпоғистон Жўқорги Кенеси, халқ депутатлари Жиззах ва Хоразм вилоятлари Кенгашларига киритилди.

Албатта, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган Парламент комиссиясининг барча ишини биргина мақолада акс эттириш мушкул. Бинобарин, бугунги кунда мазкур йўналишда бажарилаётган ишлар кўлами кейинги олти йилда кескин тарзда ортди. Бу эса юрт тараққиёти, мамлакат ривожиди нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари алоҳида мавқега эга бўлиб бораётганини кўрсатади. Зеро, давлат томонидан устувор равишда аниқ натижага йўналтирилган бюджет тамойили асосида жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда таъсирчан ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларнинг барчаси инсон манфаати ва давлат ривожига қаратилмоқда. Шу боис ҳам бу борадаги улуғвор саяёҳаракатлар тизимли давом эттирилмоқда.

Адхам ШАДМАНОВ,  
Олий Мажлис ҳузуридаги  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари  
ва фуқаролик жамиятининг бошқа  
институтларини қўллаб-қувватлаш  
жамоат фонди маблағларини  
бошқариш бўйича Парламент  
комиссияси раиси.  
Отабек ҲУСАНОВ,  
Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат  
фонди директори

# Ўзбекистон имиджи: “ОНАНГИНИ ОТАНГА БЕПАРДОЗ КЎРСАТ...”

(Боши 1-саҳифада)

Аёллар уйида сочидан қатик хиди уфурган холда ғижим кийимда юра-веради, аммо кўчага чиқса, сочларини соатлаб гажак қилади, юзларига бўёқ беради, яъни худди биз раҳбар ўтиб қоладиган йўлларнинг четигаги уйларни ва томларни бўяганимиз каби “имиджи”ни қилади.

Бухоронинг аввалги даврдаги ҳокими то аэропортдан шаҳар марказига уйларнинг ҳаммасини меҳмонларнинг кўзи тушадиган кўча томондан икки қаватли, пластик деразали қилдиргани, ичкарига кирсангиз лаби учган қора ўчоқларни, нураган ўйларни кўрардингиз. Тошкентдаги Самарқанд дарвозадан Оқтепага чиройли икки томонлама йўл ўтказилди, лекин йўлнинг икки четигаги пасткам, эски уйларнинг ҳаммаси “имидж”ни сақловчи чиройли расмлар туширилган баннерлар билан ёпиб ташланган, яшовчилар расмнинг тешигидан кириб-чиқиб юради.

Ота юрт Ургутдан Тошкентга ёзда ё кузда қайтаётиб, Булунгур, Жомбойдан ўтаётганда йўлнинг икки томонида ипдан тўқилган, ичидаги маҳсулот кўриниб турадиган қопларга солинган картошка, пиёз сабзиларга кўз тушади. Болаларим қишлоқ жойларда арзон бўлади дегани учун бир гал Жомбойдан чиқаришдаги шундай йўлбозордан бир қоп пиёз, бир қоп картошка олдим. Ҳамма ёғи очик тўрхалтада, шундоқ кўриниб турибди – сархил, бир хил катталикдаги силлик картошка, сабзи. Уйга олиб келиб очсам – ичига майда, ёнғоқдайларини, чиқиндиларини солган экан. Тўр қопга кай тарзда бундай териш мумкин деб қизқисам, чамбаракни қоп ўртасига қўярсан, четига каттасини тераркан, ўртасига ташландиғини соларкан ва секин чамбаракни юқорига кўтариб бораркан, яъни картошканинг ташқи “имиджи”ни яхшиларкан.

Бозорга борсанг, пештахтага чиройли қилиб маҳсулотининг сарасини териб қўяди. “Торнинг қани”, - десанг, пастдан майда-чуйдасини солиб, устига уч-тўртта катта, сархилини солиб, узатади.

“Имиджмейкер” халқ бўлиб қолдик.

Бошлиқ далани кўргани келадиган бўлса, магазиннинг пахтасини олиб келиб кўсакка тикиб қўювчилар, раҳбар ўтадиган йўлнинг икки четига полиэтилендан ичида экинни йўқ “иссиқхоналар” ясаб қўювчилар, чет эллик меҳмон келадиган хиёбондаги арчаларга оҳак ва яшил бўёқ аралаштириб ранг пурковчилар, суви бор, яшаса бўладиган ерлар қолиб, катта трассанинг бўйига ўтган-қайтган раҳбарнинг кўзи тушсин деб чала-чулпа, ернинг нами кўплигидан ярмигача шўрлаган, бир жиддий шамолда томи учиб, бир жиддий қаҳратонда девори кўчган “намунали уйлар” қурувчилар...

Ахир буларнинг бари мустаҳкам эмас-ку, бир марталик, вақтинчалик-ку. Мен бошқа Булунгур йўлида



тўхтаб, сабзавот олмайман. Сотувчи халтаси тагига чириган мевани солиб, устига “имидж” учун яхшисини терганини билган харидор бошқа ўша растани кўрса, четлаб ўтади. Ташвиқотга учиб келган харидор, ўз кўзи билан кўрганидан кейин бошқа бу маҳсулотдан олмайди. Бунақанги ясама “жозиб”нинг асоси йўқ.

Устоз Шукруллонинг зиёратларига борсам, ойнаи жаҳонга қараб ўтирган эканлар. “Нега телевизор тинимсиз спортчиларни кўтар-кўтар қиляпти?!” – дедилар. “Устоз, спорт мамлакат ва миллатни дунёга энг тез танитадиган восита, улар орқали Ўзбекистон номи дунёга танилар экан, имиджи юксалади”, - дедим. “Ҳа, яхши, - деб бир хўрсиндилар-да, - халқимиз авваллари ақли, илми, адабиёти билан дунёга танилган эди”, - дедилар ва жим бўлиб қолдилар. Кейин хулоса қилдилар: “Спорт тани чиниктиради, мускулни чайир қилади, лекин қалб-чи?! Маънавият-чи?! Ақл-чи?! Бунга ҳам эътибор керак! Девдай бўлса-ю, мияси ишламаса, нима бўлади!”

Бугун “Ўзбекистон имиджини яхшилаш” устида кўплар бош қотирмоқда. Ёзувчилар ва журналистлар китоблар, мақолалар ёзмоқда, олимлар таҳлил қиляпти, ҳатто бу мавзуда диссертациялар устида ишлаётганлар бор.

Афсуски, Шавкат Мирзиёев “кўркув даври” атаган чорак аср мобайнида ташқарида Ўзбекистоннинг авторитар ва тоталитар тузум сифатидаги қиёфаси қаттиқ ўрнашди. Шавкат Мирзиёевнинг бошлаган ислохотлари, сўз эркинлиги ва очиклик сиёсати, юртга кириш-чиқиш масаласидаги енгилликлар, валюта ислохоти, юртнинг инвестициявий жозибдорликни оширишга қаратилган ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон имиджи бир қадар яхшиланди.

## ИМИДЖИМИЗНИ НИМАЛАР ЮКСАЛТИРАДИ?

Дунё кўз ўнгидаги ва фикратидаги ўзбек ва Ўзбекистон қиёфаси, бир томондан, юртимизга келиб-кетувчи сайёҳлар, шу ерда фаолият юритувчи хорижлик элчилар, биз билан бизнес қилувчи тадбиркорлар орқали шаклланса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти ва бошқа давлатлар билан алоқаларда ўзини тутиши ҳамда чет элларга

чиккан ва фаолият юритаётган ўзбеклар ва ўзбекистонликларнинг ўзини тутиши, хулқ-атвори, ақли ва илми орқали шаклланади.

Бир нарсани аниқ билишимиз лозимки, ўша Ўзбекистонга келган ва фаолият юритаётган хорижликлар бизнинг устини ялтиратиб, “имиджи”ни келиштириб қўйганимизгагина қарамайди, ҳаммаси гўзал бу юртда, деб турган телевидениемиз ва газеталаримизгагина қараб хулоса қилмайди. Улар авра-астарини ағдариб кўради.

Шу ерда Румийни эслашимиз керак: “Бўлганимиз каби кўрин ва кўринганимиз каби бўл!”

Сайёҳларни айтдик. Ана шу сайёҳлар учун қурилган салобатли меҳмонхоналарда муносабатлар, ходимларнинг меҳмонга, мижозга муомаласи ҳам салобатли бўлишига эришиш керак. Аэропортдан тортиб то шу меҳмон оёғи теккан ҳар ерда адолатли, инсоний муносабат бўлса, у халқимиз ва юртимизни эъзозлаб бошлайди. Унинг бегоналагини сезиб нархини уч баробар кўтарган лицензиясиз “кирақаш”ларимиз, музейлар, қадимий обидалар атрофида ўралашиб, “ёмон кўздан ҳимоя қиладиган” деб тошча сотадиган мунчоқфурушлар, “ишни ўнглайдиган” - пласмассадан ясалган “бўри тишлари” тикиштирувчилар, ўзимизга бирга пуллайдиган нарсасини чет элликка ўн бешга пуллаётган бозорчилар орқали шаклланади сайёҳнинг биз ҳақимиздаги тасавури. Агар сайёҳ пулини тушириб қўйса, топиб олиб қайтарса бир ўзбек, ўша сайёҳ: “Воҳ, бу юртда бировнинг ҳақидан ҳайкадиган, мўминлар яшар экан!” – деб кетади. Биз тушириб қолдиргани туғул, чўнтагидагини ҳам бир йўлини қилиб шилишга уринсак-чи?!

Ўзбекистондаги камчилик ва муаммоларнинг ошқор этилиши унинг халқаро обрўсига путур етказди, деб ўйлайдиган калтафаҳмлар ҳам хануз топилади. Аксинча, бугун Ўзбекистоннинг дунёда имиджи озроқ яхшиланган бўлса, бу сўз эркинлиги пайдо бўлганлиги, матбуотда танқид ҳам жой топиб, муаммолар муҳокама этила бошлангани учундир. Ҳокимият халқ қабулхоналари очиб, одамларнинг муаммоларини ҳеч бўлмаса тинглай бошлагани учундир. Ўзбекистонни – очик давлат, ўзбекларни муаммоларни ошқор айтиб, нҳса бошлаган халқ деб билганлари учундир. Яна амалдорнинг оғзига термулиб муте бўлиб ўтирсак, мадҳиябозлик, ялтоқлик қилсак, дунё устимиздан кулади, холос.

Юзлаб кўзларнинг остида, жамоат назорати кузатувида ишлайдиган давлат масъулиятли бўлади. Холис ҳақиқатлар яширилса, ҳали йўқ ютуқлар янада ошириб-тоширилса, нуксонлар беркитилса, раҳбарларда

“ишлар зўр кетаётгани”, фуқаролар “раҳбарлардан рози” экани ҳақида хом-хаёллар пайдо бўлади. Коррупция урчиб кетади. Ҳокимият ва халқ ўртасида бўшлиқ пайдо бўлади.

Ўзбекистон ҳақида камчиликлар ёзилса, интернетгача етиб борса, бу “мамлакатнинг обрўсини тўқади”, “имиджини пасайтиради”, деган қараш нотўғридир. Дейлик, Англия матбуоти бош вазирини ва амалдорларини тинмай танқид қилади, Буюк Британиянинг имиджи бу билан тушгани йўқ. Ёки Америка матбуоти АҚШ Президенти Дональд Трампнинг сиёсатининг у ёки бу қирраларини тинимсиз танқид остига олади, аммо бу Американинг обрўсини туширмайди, аксинча адолатли, фаровон ва ҳалол тузум сифатида тасаввуримизни кучайтиради.

Дарҳақиқат, танқид борлиги учун адолат қилинишига мажбур ва адолат борлиги учун фаровонлик барқарордир, чунки ҳақиқат айtilган ерда амалдорларнинг ўғрилиги осон эмас, ўғрилик қилинмайдиган тузумда эса фаровонлик бордир.

Ўзбекистоннинг жозибаси ҳар бир инсонда ўзига хос шаклланади, масалан, саёҳатчи мамлакатдаги хавфсизликка, меҳмонхона ва таомхоналардаги хизмат сифатига, аэропорт ва божхоначиларнинг муомаласига, кўчалардаги ва жамоат жойларидаги таҳоратхоналарнинг аҳволига, тарихий ёдгорликларимизнинг қандай сақланганлигига қарайди. Чет эллик илм аҳли архивларимиз ва кутубхоналаримизнинг ҳолатига, ахборот олиш имконларига эътибор беради. Бизга келмоқчи бўлган сармоядор бизнеснинг шаффофлигига, мулкнинг ҳимояланганлигига, коррупциянинг жиловланган-жиловланмаганлигига, қонуннинг устуворлигига, судларнинг холис ҳукм чиқара олишига назар солади.

Ҳар бир ўзбекистонлик инсон – Ўзбекистон имиджининг ўта муҳим компоненти, чунки имидж – хоҳ у оддий меҳнатқаш инсонимиз, хоҳ амалдоримиз, хоҳ ҳукмбардор судьямиз бўлсин – инсонлар орқали шаклланади. Агар ҳамма ўз жойида қилаётган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юрт ва миллат имиджига алоқадорлигини хис қилса, Ўзбекистоннинг имиджи яхшиланади. Акс ҳолда имиджимиз бўлмайди ёки салбий бўлади.

Имиджсиз мамлакат дунё ҳамжамиятининг сафига қира олмайди, хорижий сармояларни жалб этолмайди. Дунё бизга шунга қараб муомала қилади. Мана, ўзимиз ҳам бирор ашёимиз бузилса: “Хитойда қилинган-да” деймиз, янги осие автомашинасидан кўра эски “Мерседес” олган яхшиликка аминимиз, чунки хитойнинг арзон ва сифатсиз нарса ясовчи имиджи бўлса, немисларнинг исталган техникани мустаҳкам ва пишиқ қилиши ҳам онгимизга сингиган. Ижобий имидж иқтисодий самара ҳам келтиради, демек.

Бизга ясама имидж эмас, объектив жозибат керак.

Имидж яратилади, ясалмайди.

Дунё сўзга эмас, амалга ва ишга қарайди.

Бу ҳақиқатни англаб олишимиз муҳимдир.

**Карим БАҲРИЕВ,**  
Ўзбекистон ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси



# Мақсад – ёдгорликлар умрини узайтириш

Япониянинг Киото университети олимлари бир неча йиллардан буён “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари билан ҳамкорликда тарихий-меъморий обидаларни ўрганиш, сақлаш, уларни салбий табиий таъсирлардан химоялаш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришади.

Киото университети профессори Хироши Минами бошчилигидаги бир гуруҳ япониялик олимларнинг қадимий Хива шаҳрига навбатдаги ташрифидан кўзланган мақсад ҳам бу борадаги изланишларни давом эттиришдан иборат бўлди.

Япониялик ҳамкорлар ва музей-қўриқхона илмий ходимлари иштирокидаги илмий-амалий анжуманда Хироши Минами Хивада-

ги жаҳон мероси рўйхатига кирган обидаларни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бўйича янги режалар тақдироти ўтказди. Пахлавон Маҳмуд зиёратгоҳи меъморий мажмуаси ҳамда Калта минорни табиий таъсирлардан сақлаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ва назорат натижалари билан мисоллар орқали таништирди.

— Савол-жавоб асосида, очик мулоқот тарзида бўлиб ўтган анжуманда келгусидаги илмий-амалий излани-

шлар юзасидан режалар ҳам белгилаб олинди, — дейди тарихчи олим, музей қўриқхона илмий котиби Комилжон Худойберганов. — Янги лойиҳалар ижроси эса обидалар умрини узайтириш, ёдгорликларни келгуси авлодларга шу ҳолича етказиш, бинобарин, келажакда туризмнинг ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Отабек ИСМОИЛОВ,**  
музей-қўриқхона матбуот котиби.

ЖАМИЯТ  
BONG.UZ

## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-810  
Адади: 1015.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
99-791-43-23,  
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6

## Мулоҳаза

# Ақлан чарчайди, жисмонан улгурмайди

Бир синфда 40 тадан ортиқ ўқувчи таълим оладиган мактаблар бор. Балки айрим мактабларнинг бир синфида шунча бола тахсил олаётганига ишонмасиз. Аммо бу ҳолат кейинги йиллар туман марказлари, йирик-йирик шаҳарлардаги умумтаълим мактабларида кўзга ташланмоқда.

Айниқса, рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган, биз «престижный» — нуфузли деб билган аксарият таълим муассасаларида ана шундай - меъеридан ортиқ ўқувчи қабул қилиш ҳолатлари юзага келмоқдаки, бу ўқувчиларнинг фанларни тўлиқ ўзлаштириши, ўқитувчининг таълим стандартлари доирасидаги вазифасини рисоладагидек удаллашида муаммолар туғдирмоқда.

Аввал ушбу вазиятнинг содир бўлиш сабабларига эътибор қаратайлик. Мустақиллик йиллари вилоятимизнинг аксарият қишлоқлари, маҳаллаларида Давлат дастури асосида замонавий таълим муассасалари бунёд этилди. Аммо фуқароларнинг туман ва қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб яшашга, меҳнат қилишга интилиши кучаяётгани айни даврда юқорида таъкидланган етишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Тўғри, қайси бир шаҳар, туман марказидаги таълим даргоҳларида қўшимча бинолар, синфлар барпо этилаётган бўлиши мумкин. Лекин ушбу саъй-ҳаракат ҳам аҳолининг бу талабини тўла қондиrolмаяпти.

Яна шуни айтиш лозимки, инсон ҳамиша илм, касб-ҳунар эгаллашга уринади. Фарзандларини ҳам шунга ундайди. Ўғил ёки қизининг яхши бир мактабгача таълим ташкилоти, умумтаълим мактаби, касб-ҳунар таълими даргоҳи ёки олий ўқув юртида ўқишини хоҳлайди. Бугун кўпчилик ота-оналарда ушбу орзу ҳавас устун келиб, болаларини туман ва вилоят мар-

казларидаги таълим муассасаларида ўқитиш истаги ортиб бормоқда. Мисол учун, ҳозирда Самарқанд шаҳридаги аксарият мактабларда ўз худудидаги маҳаллалардан ташқари, яқин туманлардан катнаб ўқийдиган ўқувчиларни ҳам учратасиз.

— Бир синфда 40 тага яқин, баъзида 50 тагача ўқувчи билан дарс машғулоти ўтишга мажбур бўляпмиз, — дейди бошланғич синф ўқитувчиларидан бири. — Бу ўринда бир фан бўйича ажратилган дарс соати мобайнида барча ўқувчилар билан индивидуал шуғулланиш имкониятимиз чегараланиб қоляпти. Биринчидан, ҳар битта ўқувчининг дарсга тайёргарлигини текширишга, билимини баҳолашга улгуролмаяпмиз. Унинг устига 30-35 ўринга мўлжалланган синфга ортиқча 10-15 нафар ўқувчини сиғдиришга, бир ўқув партасига учталаб бола ўтқишига тўғри келмоқда.

— Таълим масканимиз шаҳарнинг олди мактаби, ўқитувчиларимизнинг салоҳияти ҳам мактовга арзигулик, — дейди мактаб директори. — Шу боис шаҳарда ҳам, туманларда ҳам фарзандини муассасамизда ўқитиш истагида бўлган ота-оналар сони кўп.

Фикримизча, умумтаълим мактабларида, уларда фаолият юритаётган ўқитувчилар орасида рақобатнинг бўлиши яхшидир балки. Лекин бу рақобатнинг ижобий бўлиши - ўқувчиларнинг фан сирларини ҳар томонлама пухта эгаллаши учун зарар етказмас-



лиги керак. Қолаверса, бир синфда 3-4 соатлаб меъеридан ортиқ бола ўтиришининг санитария-гигиеник ҳамда вақти-вақтида тоза ҳаво билан таъминланиш имконияти бўлмаслиги жиҳатидан ўқувчи соғлигига акс таъсир этиши ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ҳар ўқув йили бошланганида ота-оналарнинг ушбу муаммони бартараф этиш, меъеридан ортиқ ўқувчилар учун қўшимча синф ташкил қилиш тўғрисидаги мурожаатларига таълим мутасаддилари синфлар етишмаслиги, қўшимча бино қуриш, янги ўқитувчи тайинлашни молиялаштириш масалаларига олиб бориб тақашади. Молия вазирлиги маблағларини йўналтириш билан боғлиқ айрим муаммоларни рўқач қилишади.


Нима бўлган тақдирда ҳам келажак авлод камолоти, ҳар томонлама ривожланаётган жамиятимизда ёшларимизнинг муносиб таълим-тарбия олишига тўсиқ бўлаётган бу каби камчиликларни бартараф этиш лозим. Халқ таълими ҳамда молия муассасалари мутасаддилари ушбу масалалар ўқув йилининг якуний кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатаётганини, янги ўқув йили режасига мазкур муаммони ечиш чораларини бугундан излаш лозимлигини ўйлаб кўрсалар, максадга мувофиқ бўлади.

Абдуғофур ШЕРХОЛОВ

*Мир Алишер Навоий, таъбир жоизлигига комилшионч билан айтиш мумкинки, туркий адабиётнинг энг баланд тоғидир. Мутафаккир шоир асарларининг адекват таржимасини амалга ошириб борар эканмиз, унинг жаҳон адабиёти аренасидаги мавқеи ҳам борган сари ортажак – бунга шубҳа йўқ. “Алишер Навоий бобомизга дунёнинг йирик-йирик шаҳарларида ҳайкал қўйилган” дея хотиржам тортиб бўлмайди, ҳайкаллар нафақат улуг шоирга эҳтиром, айтиш пайтда, у – сиёсий акт, халқлар ўртасидаги дўстлик рамзидир. Биз ҳазрати Навоий даҳосига тикилган эҳтиром ҳайкалларини дунё ўқувчиларининг нақ юракларига қўйиш учун заҳмат кўрсатмоғимиз лозим. Токи, улар Навоий асарларини кўнгил мулкларини дунёга боқиб тарзларига айлантириб яшасинлар! Бунинг учун эса, Алишер Навоий асарлари мазмун-моҳиятини, унинг юксак парвозларини, аввало, ўзимиз тушуниб етмоғимиз ва қадрламоғимиз лозим бўлади.*

# МАНГУ САВОЛЛАРГА НАВОИЙ БЕРГАН ЖАВОБЛАР

## ёхуд “Аброрлар ҳайрати” ни ўқиб



Ҳар гал Навоий ва унинг асарлари тўғрисида мулоҳаза юритганимда, ҳаёлимда чексиз уммон мавжланади. Фақат аксар замондош ўқувчи учун бу уммон юзасини муз қоплаган. Бас, улар муз қобиғини ёриб, ичкарига киришда ўзига яраша қийинчилик сезишади. Зеро, бугунги кун билан Навоий даври ўртасида 500 йиллик замон бор. Боз устига, макон фарқи мавжуд. Хоҳлаймизми, йўқми, замон ва макон ўз ишини қилади – ўртада музлик қатламини вужудга келтиради. “Муз қатлами” деганимиз, аввало, улуг шоир асарларида кўп учрайдиган арабчаю форсча сўзлар, даврга хос бўлган дунёқарашу тушунчалар, қолаверса, рамзу мажоз, шунингдек, ғоя, мотив ва услуб масаласи бўлиб, ўқувчи таъкидланган замону макон масофаси туфайли уларни яхши англаб етмайди, натижада уммонга шўнғиб, у ердаги дуру жавоҳиротдан етарлича баҳраманд бўлолмайди. Шу ерда ғаввосларга эҳтиёж туғилади. Ғаввослар, бу ўринда, навоийшунослардир. Ҳар қандайи эмас, албатта, ҳақиқийлари назарда тутилмоқда. Чунки шундай “шунос”лар борки, улар ўқувчини Навоийдан узоқлаштириб юборса юборадики, асло яқинлаштирмайди.

Ўзбекистонда алоҳида “Навоийшунослик” фанининг юзага келиши ҳам бежиз эмас. Зеро, чексиз уммонни кашф қилиб бориш бир неча олимнинг эмас, балки бутун бошли олимлар ўрдусининг иши. Шу маънода, Навоийни ўрганиш бир бутун тизимга айлангандагина ўзининг биз кутган мевасини беради.

Академик Абдулла Аъзамнинг 2021 йилда чоп этилган “Аброрлар ҳайрати” китобида қўйилган масалалар, юритилган мулоҳазалар кишини Навоий ва унинг муаззам мероси тўғрисида такрору такрор ўйлашга ундайди. Зеро, китобга сўзбоши битган ёзувчи Хайриддин Султонов қайд этганидек: “Даҳо санъаткор асарларини неча юз йиллар давомида тушуниб ўқиган ва бугун ҳам англаб ўқиётган инсонлар, қайси миллат ва элат вакиллари бўлмасин, дунёнинг қайси бурчида

яшамасин, қалбини оғритиб қийнаётган саволларга, ўз даврининг барча маънавий ва руҳий муаммоларига жавоб топа олади”.

Дарҳақиқат, мумтоз адабиёт шунинг учун ҳам мумтозки, у барча даврларнинг оғрикли саволларига жавоб излайди. Излайдигина эмас, уларни топади ҳам. У бу вазифани бажара олмай қолган вақтдан бошлаб мумтозлигини йўқотади. Шу маънода, Алишер Навоийнинг тўрт қаторли рубоийсидан тортиб неча-неча ўн минг мисрали “Хамса” сигача бўлган барча асарларида замондош инсоннинг ҳам кўнгил ва тафаккур “яра”ларига шифо бўлгучи малҳамларни кўриш мумкин. Албатта, Навоий ҳазратлари мангу саволларга жавоб излашда ёлғиз эмасди, балки мутафаккир шоирга унганча яратилган буюк Шарқ адабиёти, унда акс этган фалсафий қарашлар ўзига хос маёқ вазифасини ўтаган. Хўш, улар қандай саволлар эди? Китоб муаллифи Абдулла Аъзам ёзади: “Алишер Навоий бундан беш юз йил аввал

– Инсон нима?  
– Одамнинг ҳайвондан қандай фарқи бор?  
– Одам одамдан нимаси билан фарқ қилади?  
– Одам нима учун дунёга келади?  
– Одамнинг ҳаётдан маъно нима?  
– Одам қандай яшаши керак?  
– Одам вафотидан сўнг нима бўлади?

– деган фундаментал саволларга жавоб топган, уларни мукамал фалсафий таълимотга айлантирган ва “Ҳайратул-аброр” рисолаида баён қилган”.

Олим “Ҳайратул-аброр” достонининг шеърини шаклидан эмас, балки фалсафий мазмундан келиб чиқиб уни “рисола” деб атайди. Бунга юқорида қўйилган умуминсоний масалаларга ҳазрат Навоийнинг юксак ва асосли жавоблари борлиги билан изоҳлайди. Назаримда, Абдулла Аъзамнинг бирламчи соҳаси математика бўлгани боис ҳам, юқори даражадаги аниқлик ва мантик

тақозосига кўра иш тутиб, китобдаги бош саволларни чиқариб олади ва эссе-тадқиқот давомида уларга жавоб излайди. У шу ўринда худди Фаридуддин Атторнинг “Мантик ут-тайр”, Алишер Навоийнинг унга эргашиб битган “Лисон ут-тайр”идаги Семурғни излаган қушлар мисол чирпиниб саволлар жавобларини достон-рисола кенгликларидан, шунингдек, шоирнинг бошқа асарлари қатидан қидиради. Қидиради экан, ўша машҳур қушлар каби кўпдан кўп “водийу довон”лар заҳматларидан ошиб ўтади, яъни улуг шоир, унинг асарлари, таржимаи холи, аруз вазни сирлари, шоир тахаллуси маънолари ҳамда шу каби кўпдан кўп баҳсли масалалар бўйича ўз муносабатини билдиради, изоҳ, таҳлил ва хулосаларини беради. Булардан келиб чиққан ҳолда, ниҳоят, юқорида кўндаланг қўйилган саволлар жавобларига етиб келади: “Инсон нима?” “Инсон бу – Аллоҳ ўз аксини кўриш мақсадида олий сифатлари акс этадиган кўзгу вази фасини ўташ учун яратилган мавжудод”. Сўнг кейинги саволларнинг жавобларига ўтади:

– Одамнинг ҳайвондан қандай фарқи бор?  
– Одамнинг ҳайвондан фарқловчи белги – руҳ.  
– Одам одамдан нимаси билан фарқ қилади?  
– Одам одамдан кўнгли билан фарқ қилади...

– Одам нима учун дунёга келади?  
Кўнгил “косаси”ни “Ҳайратул-аброр”да намуналари берилган “май” билан тўлдириб, уни Аллоҳ сифатлари акс этадиган кўзгуга айлантириш учун.

– Одамнинг ҳаётдан маъно нима?  
Кўнгил аҳли бўлишга интилиш.  
– Одам қандай яшаши керак?  
Умрини кўнглида Аллоҳ сифатларини акс эттирадиган амалларга бағишлаб.

– Одам вафотидан сўнг нима бўлади?

Ҳаёти давомида кўнгил косасини нима билан тўлдиргани тўғрисида

ҳисоб беради.

Кўриниб турганидек, академик Абдулла Аъзам улуг шоир Алишер Навоий “Хамса”сининг илк достони “Ҳайратул-аброр”ни бежиз “фалсафий рисола” деб атамади экан. Унда чиндан ҳам инсоннинг дунёга келиши, қандай яшаши, нималарга эътибор бериши ва ўлганидан кейин нима бўлиши тўғрисида бадий-фалсафий жавоб бор. Айтиш мумкинки, Навоийнинг бу ўғитлари инсон учун, унинг ҳаёти учун ҳам ўзига хос дастурил амал, килувуз, замонавий ибора билан айтганда, қўлланмадир. Навоий нафақат “қўлланма”ни яратди, айтиш дамда, у ўзи илгари сурган ғояларга асосланиб умр кечирди ҳамда қандай яшаш кераклигининг олий намунасини кўрсатиб ҳам берди. Яъни шоир ўз ҳаётида назария билан амалиётни бирлаштирди.

Китоб муаллифи якуний хулоса сифатида ёзади: “Алишер Навоийнинг фалсафий таълимоти ўзбек халқининг менталитетидан мустаҳкам жой олиши лозим – бу уни буюк миллатга айлантирар эди”. Эътибор беринг, хулосада буюк миллат бўлиш учун улуг Навоийни тушуниш кераклигини уқтирилмоқда. Бугун бизнинг ана шундай миллат бўлишга нечоғли эҳтиёжимиз борлигини ёдга олсак, мутафаккир шоир ижодининг айтиб адо қилиб бўлмас аҳамиятини чуқур англаган бўламиз.

Навоийни “башарият шоири” деймиз, бас, китоб муаллифининг таъбири билан айтганда: “Дунё халқлари Алишер Навоийнинг кўнгил фалсафаси билан танишса қошқини – бу эзгулик ёвузлик устидан ғолиб бўлишига хизмат қилган бўлар эди”. Мана, нима учун Навоий Навоийдир!.. Мана, нима учун у қолдирган мерос бугун ҳам йўлчи юлдуздек нур таратиб, инсониятга йўл кўрсатмоқда.

Улугбек ҲАМДАМОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор.